

Сийрат дарслари (228-дарс) Неъматни борида қадрига етиш



19:00 / 29.04.2023 3920

889. Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Рақуб ҳақида нима деб ўйлайсизлар?»** дедилар. **«Рақуб - фарзанд кўрмайдиган одам»**, дедик. **«Йўқ, рақуб у эмас, балки ўз болаларидан бирортасини тақдим қилмаган», дедилар**». (Яъни, бирор сабаб билан боласидан ажраб қолмаган одам. - Тарж.) **«Сизлар паҳлавон деб кимни айтасизлар?»** дедилар. **«Кимни курашда ҳеч ким йиқита олмаса, ўша одам паҳлавон бўлади-да»**, дедик. **«Йўқ, ундай эмас, у ғазаби чиққанда сабр қиладиган одамдир»**, дедилар».

Муслим ривоят қилган.

890. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Аллоҳ учун одамларнинг энг ёмон кўрилгани ашаддий хусуматчисидир»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

891. Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Икки неъмат борки, кўплар уларда алданиб қолишади: булар соғлик ва хотиржамликдир»**, дедилар».

Бухорий ривоят қилган.

892. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Қиёмат куни Аллоҳнинг ҳузурида одамларнинг ёмони иккиюзламачи эканини кўрасан. Анавиларга бир юз билан келади ва манавиларга бошқа юз билан келади»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

893. Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Албатта, Аллоҳ таоло: Бандамни икки суюклиси билан (кўзи ожизликка) мубтало қилганимда, у сабр қилса, иккисининг эвазига унга жаннатни берурман, деди»**. Банданинг икки кўзи ирода қилинмоқда».

Бухорий ривоят қилган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 30 ноябрдаги 03-07/9078-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.